



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши раиси

Х.Ёдгоров

2023 йил 20 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони билан тасдиқланган “2023–2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича” Ҳаракатлар дастури ҳамда “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-12-сон Фармонининг ижроси юзасидан

ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Режа ижросига масъул: А.Жалилов

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсад ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Кенгашнинг масъул аъзоси	Ижро муддати
1.	Суд тизимининг ахборот сиёсати концепциясини тасдиқлаш (ПФ-11-сон Фармоннинг 11-банди)	2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимининг ахборот сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Концепция лойиҳаси	2023 йил март	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси (У.Мингбоев)	Т.Буваев Б.Сабилов Т.Акбаров Д.Арипов А.Эшмуродов	2023 йил 20 февраль
2.	Судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш. (Дастурнинг 13-банди)	1. Судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган вазифалар юклаш ҳолатларининг олдини олиш. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали жисмоний ва юридик шахслардан ҳуқуқий тушунтириш юзасидан келиб тушаётган мурожаатларни адлия органлари томонидан кўриб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш. 3. Республика миқёсида, хусусан олис ҳамда чекка ҳудудларни қамраб олган ҳолда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун сайёр қабулларни Олий суд томонидан мустақил равишда ташкил этишни белгилаш.	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2023 йил якунига қадар 2023 йил март 2023 йил февраль	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), манфаатдор вазирлик ва идоралар	Т.Буваев М.Қаландарова Д.Арипов С.Холбоев Ж.Убайдуллаев	2023 йил 1 октябрь 2023 йил 20 февраль 2023 йил 10 февраль

3.	Судьялар мустақиллигини таъминлашнинг янги механизмларини яратиш. (Дастурнинг 11-банди)	1. Судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш ва судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш. 2. Судьялар дахлсизлиги бузилган ҳолатларда судьялар томонидан тўғридан-тўғри Судьялар олий кенгаши раисига онлайн платформа орқали мурожаат қилиш имкониятини яратиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил март	Судьялар олий кенгаши (<i>Х.Ёдгоров</i>), Олий суд (<i>Б.Исламов</i>), Бош прокуратура (<i>Н.Йўлдошев</i>), Адлия вазирлиги (<i>А.Ташкулов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар	Б.Сабилов Х.Садиков Р.Махмудова А.Икрамов	2023 йил 1 март
4.	Айрим тоифадаги фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш (ПФ-12-сон Фармоннинг 3-банди)	Одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, айрим тоифадаги фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил март	Олий суд (<i>Б.Исламов</i>), Судьялар олий кенгаши (<i>Х.Ёдгоров</i>), Бош прокуратура (<i>Н.Йўлдошев</i>), Адлия вазирлиги (<i>А.Ташкулов</i>)	Х.Камолов С.Каримов М.Назаров	2023 йил 1 март
5.	Жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қуйи инстанция судларининг ўзида яқунлаш тартибини белгилаш (ПФ-12-сон Фармоннинг 3-банди)	Одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қуйи инстанция судларининг ўзида яқунлаш тартибини белгилаш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил март	Олий суд (<i>Б.Исламов</i>), Судьялар олий кенгаши (<i>Х.Ёдгоров</i>), Бош прокуратура (<i>Н.Йўлдошев</i>), Адлия вазирлиги (<i>А.Ташкулов</i>)	И.Хакимов М.Назаров Б.Эшқуватов	2023 йил 1 март
6.	Фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича медиация институтини кенг жорий этиш (ПФ-12-сон Фармоннинг 3-банди)	Одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича медиация институтини кенг жорий этиш бўйича асосланган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил март	Олий суд (<i>Б.Исламов</i>), Судьялар олий кенгаши (<i>Х.Ёдгоров</i>), Адлия вазирлиги (<i>А.Ташкулов</i>)	И.Хакимов И.Насиров С.Холбоев	2023 йил 1 март

7.	<p>Судьялар фаолиятига бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмаслигини таъминлаш.</p> <p>(Дастурнинг 10-банди)</p>	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларининг олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва жиноий жавобгарлик белгилаш;</p> <p>суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ва суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш;</p> <p>судьяга нисбатан турар жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишдан иборат тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга фақат Бош прокурорнинг санкцияси асосида йўл қўйилишини белгилаш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил март	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	О.Мирзамахмудов М.Қаландарова С.Яхшибоев	2023 йил 1 март
8.	<p>Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш</p> <p>(ПФ-12-сон Фармоннинг 6-банди)</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарори ижросини мониторинг қилиш.</p>	Таҳлилий маълумотнома	2023 йил июнь	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров)	Х.Садиков Р.Назаров	2023 йил 1 апрель
9.	<p>Судьялар олий кенгашини ҳақиқий судьялар ҳамжамияти органига айлантириш чораларини кўриш.</p> <p>(Дастурнинг 15-банди)</p>	<p>1. Судьялар олий кенгаши фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантиришда судьяларнинг роли ва ўрнини белгилаш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил апрель	Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Олий суд (Б.Исламов), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	Т.Буваев М.Қаландарова Ҳ.Исоқов Д.Исраилов	2023 йил 1 апрель

10.	Судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофлик принципини янада кенгроқ жорий этиш. (Дастурнинг 17-банди)	1. Суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда демократик тамойилларни кенг жорий этиш. 2. Судьялар корпусини шакллантириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда соҳага очиқлик ва шаффофлик принципларини кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил май	Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Олий суд (Б.Исламов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	Н.Бобохонова Б.Сабилов Ш.Ҳақназаров А.Бобоқулов	2023 йил 1 апрель
11.	Суд ҳокимиятининг нуфузи, мавқеи ва обрўсини янада юксалтириш чораларини кўриш. (Дастурнинг 18-банди)	1. Олий суд ва қўйи судларнинг жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик қилувчи тузилмаларининг иш фаолиятини танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиб, уларнинг фаолиятини янгича ёндашув ва усуллар асосида йўлга қўйиш, тузилмаларни профессионал кадрлар билан тўлдириш чораларини кўриш. 2. Судлар фаолияти билан боғлиқ турли манбаларда эълон қилинадиган ноҳолис ва бир томонлама ахборотлар бўйича зудлик билан муносабат билдириш амалиётини йўлга қўйиш. 3. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тўғри ва холисона, қонун талаблари доирасида ёритишни ташкил этиш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан журналистлар ва блогерлар учун махсус ўқув курсларини ташкил этиш. 4. Кенг жамоатчиликда судлар фаолияти бўйича объектив ва холисона фикр-мулоҳазалар ҳамда қарашларни шакллантириш мақсадида медиа режа асосида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда турли шакл ва кўринишдаги чиқишларни ташкил этиш.	Ташкилий-ҳуқуқий чоратadbирлар	Доимий равишда	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	С.Каримов Т.Акбаров А.Эшмуродов	2023 йил 1 июнь
12.	Судларнинг штат бирликларини самарали тақсимлаш (ПФ-12-сон Фармоннинг 3-банди)	Иш юклагаси мақбуллаштирилган судларнинг штат бирликларини самарали тақсимлаш бўйича асослангилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	Таҳлилий маълумотнома	2023 йил июль	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев)	Х.Садиков	2023 йил 1 май

13.	Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартибини такомиллаштириш. (Дастурнинг 27-банди)	Судьяларга пенсия тайинлашда амалиётда юзага келаётган ноаниқлик ва муаммолар таҳлили асосида судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартибини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2023 йил август	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев)	М.Қаландарова Ж.Балкибаева С.Яхшибоев	2023 йил 1 июль
14.	Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш , судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш , уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш . (Дастурнинг 16-банди)	1. Судьялар олий мактабининг фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган аниқ чораларни белгилаш. 2. Таълим ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни етарли даражада таъминлаш, касбий фанлар ҳамда амалиёт ўртасида реал интеграциялашув жараёнини яратиш. 3. Судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш тизимини ҳозирги замон талабларига тўлиқ мослаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил сентябрь	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), манфаатдор вазирлик ва идоралар	М.Қаландарова Д.Исраилов	2023 йил 1 июль
15.	Судьялар ҳамжамияти органларининг ҳуқуқий асосларини белгилаш. (Дастурнинг 14-банди)	Қуйидагиларни назарда тутувчи “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш: судьялар ҳамжамияти органларининг вазибалари, функциялари ва ваколатлари; судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш, шу жумладан ушбу органларга номзод кўрсатиш тартиби; судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти механизмлари, ўзаро ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик қилиш тартиби.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил сентябрь	Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Олий суд (Б.Исламов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	М.Қаландарова О.Ҳакимов	2023 йил 1 июль
16.	Судларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш . (Дастурнинг 23-банди)	1. Эксперт ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда судларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш. 2. Судьялар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг мол-мулкани мажбурий декларациялаш тартибини йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2023 йил октябрь	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров)	М.Қаландарова	2023 йил 1 сентябрь

17.	<p>Ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий таҳлил қилиш асосида ҳамда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш чораларини кўриш.</p> <p>(Дастурнинг 5-банди)</p>	<p>Маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда қуйидагиларни белгилаш:</p> <p>маъмурий органлар билан фуқаролар ва тадбиркорлар ўртасидаги барча низоларни хатловдан ўтказиб, судловга тааллуқлилигига оид қоидаларни такомиллаштириш;</p> <p>маъмурий суд иш юритуви принципларини танқидий ўрганиб, оммавий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи принципларни киритиш;</p> <p>маъмурий суд иш юритувига даъво институтини киритиб, маъмурий органлар устидан бериладиган даъво турларини аниқ белгилаш;</p> <p>фуқаролар ва тадбиркорларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончини ҳимоя қилиш тизимини танқидий ўрганиб, етказилган зарарни ундириш тартибини аниқлаштириш;</p> <p>маъмурий судлар фаолиятига ҳуқуқи бузилган фуқаро – аризачининг хоҳишига кўра экстерриториал судловга тегишлилик механизмини жорий этиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2023 йил ноябрь	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), манфаатдор ташкилотлар	О.Мирзамахмудов В.Файзуллаев У.Алмамедов Д.Артиков	2023 йил 1 сентябрь
18.	<p>Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш.</p> <p>(Дастурнинг 24-банди)</p>	<p>1. Эксперт ва мутахассислар билан бирга одил судлов фаолиятини “коррупциясиз соҳа”га айлантириш бўйича чораларни назарда тутувчи режа-жадвал ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда очиқ суд мажлисида узлуксиз тарзда кўриладиган ишлар тоифаларини белгилаш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. “Судлар коррупцияга мутлақо қарши” рукни остида кенг жамоатчиликка ахборот бериш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2023 йил декабрь	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), манфаатдор вазирлик ва идоралар	Т.Буваев Х.Камолов	2023 йил 1 октябрь
19.	<p>Судьялар ихтисослашувини янада кенгайтириш.</p> <p>(Дастурнинг 4-банди)</p>	<p>1. Низолар тоифалари бўйича судьялар ихтисослашувини жорий этиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда суд амалиётини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Мураккаблигига кўра ихтисослашувни талаб этадиган йўналишлар, жумладан оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпусини шакллантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2025 йил февраль	Олий суд (Б.Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х.Ёдгоров), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев)	Н.Бобохонова И.Хакимов	2023 йил 1 октябрь